

**ТАТУ Қарши филиали Компьютер инжиниринг факультети
Гуманитар ва ижтимоий фанлар кафедраси ассистенти Тўлаев
Ёрқин Қурбонвичнинг**

**“ЧОРИЗМ ИСТИБДОДИГА ҚАРШИ ТУРКИСТОН
ХАЛКЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК КУРАШИ.**

ЖАДИДЧИЛИК” мавзусида тайёрлаган

РЕФЕРАТИ

Қарши 2016

ЧОРИЗМ ИСТИБДОДИГА ҚАРШИ ТУРКИСТОН ХАЛКЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҚУРАШИ. ЖАДИДЧИЛИК.

Режа:

1. Чор Россияси мустамлакачилик сиёсати ва зулмига қарши қурашнинг бошланиши, унинг босқичлари.

2. XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазият. 1916 йилги халқ қузғолони ва унинг ахамияти.

3. Туркистонда жадиждлар ҳаракатининг юзага келиши ва унинг моҳияти.

1. Чор Россиясининг Туркистон халқларига нисбатан юргизган мустамлакачилик, улуг давлатчилик ва шовинистик сиёсати албатта қонуний суратда маҳаллий аҳолининг уз миллий озодлиги, эрки ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун муқаддас жангга отлангирди.

Таникли тарихчи олим Шоди Қаримовнинг «Қафасдаги қуш орзуси» номли рисоласида (Тошкент, «Фан», 1991, 29-бет) таъкидланганидек «Қафасдаги қушнинг муддаоси битта - у ҳам булса озодлик, ҳурлик, эркинлик, қафасни тарқ этишдир». Дарҳақиқат, шу боисдан ҳам чоризм томонидан асоратга солинган, мустамлақа қилинган Марказий Осиё халқлари дастлабки қунларданок уз миллий мустикалликлари, озодликлари ва эрқлари учун муқаддас қурашни бошлаб юбордилар.

Бу миллий ҳаракатини таҳминий уч босқичга бўлиб таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

1-босқич, XIX асрнинг 70 йилларидаги халқ ҳаракатлари;

2-босқич, XIX асрнинг 80-90 йилларида Туркистонда халқ ҳаракатлари;

3-босқич, 1916 йилги халқ қузғолони.

Биринчи босқичдаги миллий озодлик ҳаракати асосан Фарғона водийсида содир бўлган халқ ҳаракатлари билан боғлиқдир.

Маълумки 1868 йилда Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман Қукон хонлигидан тортиб олинган ерларнинг Россия тарқибига қиритилганлигини расмий қонунлаштириш учун Қукон хони билан шартномани тузган эди. Бу шартнома Қукон хонлигини оғир ва ноқулай аҳволга солиб қўйди. Хонлик ташқи оламдан узиб ташланди. Хонлик чегараси анча қисқариб, ҳазинага тушадиган даромад қамайди. Унинг урнини тулдириш учун турли солиқ ва мажбуриятлар жорий этилди. Бир бутун Фарғона водийсида икки хил тартиб-қоидалар мавжуд эди.

Хонликдан тартиб олиниб, ташқил қилинган вилоят, уезд ва волостларда босқинчиларнинг тамомила мустамлакачилик қонунлари амал қилди. Бу қонун ва тартиблар маҳаллий аҳолининг асрий шаклланган тарихий турмуш тарзи, урф-одатлари ва анъаналарига мутлақо зид эди. Бундан ташқари мустамлақа ҳокимияти маҳаллий халққа солинадиган солиқ

микдорини хаддан ташкари ошириб юборди. Буларнинг хаммаси халк норозилигининг аланга олишига асосий сабаб булди.

Мустамлакачилик сиёсати ва зулмига карши Туркистон улкасидаги XIX асрнинг 70-йилларидаги халк харакатлари орасида 1873-1876 йилларда Фаргона водийсида булиб утган кузголон алохида урин эгаллайди.

Кузголоннинг асосий харакатлантирувчи кучи булиб дехконлар, хунармандлар ва майда савдогарлар майдонга чикдилар. Бу кузголон мустамлакачилик ва жабр-зулматга карши кутарилган халк харакати эди. Бу кудратли тулкин гох сусайиб, гох кучайиб, 1873 йилдан то 1877 йилгача давом этди. Шу жараёнда халк орасидан саркардалар, кузголон йулбошчилари етишиб чикди. Улар халкка бош булиб, сунгги нафасигача душманга карши курашдилар.

Ана шундайлардан бири, халк орасида Пулатхон номи билан машхур булган Мулло Исхок Мулло Хасан углидир. Дастлаб кузголон киргиз ахолиси орасида бошланди. Жалолобод ва Хонабод кишлокларида хоннинг солик йигиувчилари улдирилди. Ундан кейин Уш киргизлари кутарилдилар. Кузголон алангаси бора-бора кучайиб, турли кишлок ва овулларни камраб ола бошлади. Чотколдан Олабука дараси оркали Косонга хужум уюштирилган кузголончиларнинг сони ун мингга якинлашиб колди. Уларга карши хон кушин юборди ва хон кушинлари билан кузголончилар уртасида булган бир катор тукнашувларда, кузголончилар маглубиятга учрадилар. Шу тарика, 1873 йилнинг бахорида бошланган кузголон кузга келиб вактинча тухтади. Пулатхон янги хужум учун куч туплагани Чоткол тоғларига чекинди.

1874 йилнинг бахорида яна галаёнлар бошланди. Кукон хонлигининг турли вилоятларида омманинг чикишлари ва айрим тукнашувлари давом этди.

1875 йилнинг бахорида кайта бошланган кузголон кутилмаганда уз йуналишини узгартиради. Бунга сабаб, бу кузголонга бой-зодагонлар, мусулмон рухонийларининг пешволари хам фаол иштирок эта бошлайди. Уларнинг асосий максоди хокимиятни кулга олиш эди. Хаёти хавф остида колган Кукон хони Худоёрхон чор хукумати химояси остига кочади. Худоёрхоннинг угли Насриддинбек Кукон хони деб эълон килинади.

Насриддинбек эса кузголонни тинчитиш ва уз хокимиятини мустахкамлаш максадида, чор хокимияти Кауфман номига хат билан мурожаат килади. 1875 йил 25-сентябрда у кузголончилардан яширинча Кауфман билан шартнома тузади, унга кура у узини Россияга тобе деб тан олади, катта товон тулашга ваъда беради ва хонликнинг бир кисмини Россияга кушилишига розилик билдиради. Бу эса кузголон кутарган халкнинг газабини ут олдиради ва улар уз куролларини Насриддинбек ва унинг теварагидаги бой-зодагонларга карши каратадилар. Кузголончилар Куконни, Маргилонни ва купгина кишлокларни эгаллайдилар. Улар хамма жойда узлари ёмон курган хокимлардан касос оладилар ва уларнинг урнига узларининг одамларини куядилар. Кузголон шунчалик кенг тус оладики, хатто Туркистон генерал-губернатори Кауфман ёрдам сураб Александр II га

муурожаат килишга мажбур булади. 1876 йил 12-февралда подшо фармониغا биноан Кукон хонлиги тугатилиб, унинг урнида Фаргона вилояти ташкил этилади ва у Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилади.

Кукон хонлиги тугатилиб Фаргона вилояти таъсис этилишига карамасдан озодлик кураши мутлако тухтаб колмади. Турли миллатга мансуб махаллий ахолининг ватанпарвар углонлари эрк, озодлик учун курашни давом эттирдилар. Бу гал озодлик харакати кураш байроги Фаргонадан Олойга кучирилди.

Туркий халкларнинг жасур маликаси, киргиз аёли Курбонжон додхох уз угиллари билан кахрли генерал Скобелев кушинига карши курашиш учун куч туплай бошлади.

Утмишдан маълумки, забардаст ва гоят гурурли саркардалар, хотин-кизлар билан жанг килишни эркаклик шаънига иснод келтиради деб хисоблашган. Масалан, Искандар Зулкарнайн Турон заминида хотин-кизлар бошчилигидаги жанговор кисмларни куриб, улар билан жанг килишдан бош тортди. Генерал Скобелев эса мозий саркардаларининг дониш удумига зид бориб, унинг маънавий-рухий томонларини уйлаб хам курмади. Унинг аёл кумондон Курбонжон додхохга карши отланиши билан уз обру-эътибори гоят ерга урилишига фаросати хам етмади. Маънавий-ахлокий сифатлардан махрум булган инсонларнинг конини окизишни касбга айлантирган генерал учун инсонийлик гоёси ахамиятсиз эди. Унга махаллий халкларнинг кони билан сугорилган тупрокда мустамлакачилик байроги хилпираб турса бас. Унинг шовинизм рухида шаклланган дунёни тушуниш фалсафаси ана шу тарзда камол топган эди. Бу буюк рус давлатчилик шовинизмининг махсули эди.

Лекин, Курбонжон додхох ва уни куллаб-кувватлаган ватанпарварлар минг бир имкониятдан фойдаланиб, огир ва машаккатли курашни олиб боравердилар. Улар генерал Скобелевга мустамлакачилар хеч качон уз ваъдаларини, узлари низомлаган битим ва келишувларни халол бажармаганлигини, шунга кура кураш олиб боришга мажбур эканликларини билдирдилар.

Хатто 1876 йил 31-июл куни махаллий уругларнинг бир катор вакиллари Скобелев хузурига келиб таслим булишганини билдиришганда хам Курбонжон додхох, уз угиллари билан курашни давом эттирдилар. Генерал Скобелев тинчлик шартномаси тузиш учун майор Ионовни аёл саркарда хузурига юборди. Аммо Курбонжон додхох мавкеи узи билан тенг кумондон билан сулх тузиши мумкинлигини айтди. Охир-окибатда генерал Скобелев Курбонжон додхох билан учрашиб, музокара олиб боришга мажбур булди ва у куйган талабларга рози булди. Бу Курбонжон додхохнинг Скобелев устидан маънавий-рухий галабаси булиб тарихга кирди.

Россия мустамлакачиларига карши олиб борилган миллий-озодлик курашининг иккинчи, XIX асрнинг 80-90 йилларини уз ичига олган боскичида содир булган йирик харакатлардан бири бу 1892 йили Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази булмиш Тошкент шахрида булиб утган кузголондир. Туркистон халклари тарихида «вабо кузголон» номи билан

машхур булган бу кузголон рус мустамлакачиларининг махаллий халкнинг миллий ва диний кадриятлари билан мутлако хисоблашишмаганлиги, миллий ва диний гурурнинг ерга урилишини истамаган махаллий халкнинг келгиндиларга карши мардонавор курашга отланганликларининг ёркин тимсолидир.

1892 йил июн ойи бошида Тошкентда вабо билан касалланганлар аникланди. Шахар маъмурияти бу касалликка карши бир канча шошилиш тадбирларни амалга оширишга киришади. Шундай тадбирлардан, масалан, вабо касаллигидан оламдан утганларни миллий ва диний удумларга кура кабрстонга кумишни таъкиклаш, улганларни тиббий муассаса ходимлари топширгандан кейингина алохида вабо мазорларига мажбурий кумиш ва х.к. Умуман вабонинг олдини олиш мақсадида курилган тадбирларнинг асосий қисми махаллий аҳолининг диний ва миллий урф-одатларига каттик теккан эди.

Ундан ташқари, вабо касали билан оғриган махаллий аҳолига тиббий ёрдам курсатиш ва даволашлар русларга нисбатан булган муносабатда ҳам адолатсизликка йул қуйилган эди.

Масалан, маълумотларга қараганда, шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмида 417 киши, махаллий аҳоли яшайдиган қисмида вабо касали билан 1467 киши касалланган. Шулардан, европаликлардан 200 нафари соғайган (50 фоизи) бўлса, махаллий аҳолидан фақат 22 киши (яъни, 1-1,5 фоизи) соғайган ҳолос. Бу рақамлардан рус маъмуриятининг вабо билан касалланган махаллий аҳоли вақилларига нисбатан қандай муносабатда булганликларини қуриб олиш мумкин. Бундан ташқари, чор ҳукуматининг шаҳарда яшаётган русларга нисбатан махаллий аҳолига паст назар билан қараганини ҳам сезмаслик мумкин эмас.

1892 йил 22 июнда шаҳарнинг Шайхонтохур даҳасида йигилган махаллий аҳоли улганларни эски, уз мазорига кумишга руҳсат берилишини сураб шаҳар бошлиғи номига илтимоснома билан муружаат қилишди. Илтимосномада марҳум аёлларни врачлар томонидан текширилиши ва айниқса, кумиш маросимларининг бузилиши шариатга тугри келмаслиғи ва бошқа фикрлар билдирилган эди. Бироқ, бу илтимосномага ҳеч қим қулоқ солмади ва у бажарилмади. Сабр қосади тулган эски шаҳарлик узбеклар 24 июнда бош қутарди.

Қурулсиз 500 кишидан ортиқ халқ қузголлончиларига қарши харбий губернатор томонидан отлик қазак отрядлари юборилади. Қузголлончиларнинг юзга яқини сувга қучтирилади. Қочганлар аёвсиз қирилади. Тарихга «Тошотар воқеаси» деб қирган бу қузголон оқибатида галаён қатнашчиларидан 8 киши улим жазосига, 3 киши қамокка ҳукм қилинади.

Рус мустамлакачилари қузголлончиларни жазолашда узларига ёқмаган махаллий зиёлиларни, халқни уз орқасидан етаклашга қодир булган маърифатпарвар ва миллатпарварларни ҳам қатагон қилди. Мустамлакачилар мусулмонларни таҳқирлаб, уларни хар бир рус амалдорларига таъзим бажо қелтиришлари мажбурлиғи тугрисида буйруқ эълон қилишди. Хатто қим

кучада русларга букилиб салом бермайдиган булса, уни уриб камайдиган одат хам чиқаришди.

Туркистон халқларининг чор мустамлакачиларига қарши миллий озодлик ҳаракатининг иккинчи босқичидаги йирик кузғолонлардан яна бири 1898 йилда Андижонда бўлиб ўтган кузғолондир. Фарғона водийси Туркистоннинг асосий пахта етиштирувчи майдони бўлганлиги учун ва пахтадан келадиган фойда рус амалдорлари билан маҳаллий бойларнинг қулида бўлганлиги учун оддий халқ оммаси ниҳоят даражада кашшоқлаша бошлаган эди. Бундан ташқари, янги хужайинлар солиқларнинг миқдорини бир неча бор оширдилар ва янги-янги солиқ турларини уйлаб чиқардилар. Хатто шундай воқеалар бўлгандики, айрим қишлоқларнинг аҳолиси дарё суви 10-15 йил олдин ювиб кетган ерлар учун ҳам ер солиғи тулашга мажбур қилган эдилар. Хурланган халқнинг қаҳр-газаби йиғилиб аста-секин кузғолонга айлана бошлади. Бу кузғолонга эшон Муҳаммад Али Собир Суфиев раҳбарлик қилди. Унинг отаси Муҳаммад Собир хунарманд бўлиб, дук ясарди. Мадали эшон жуда уқимишли, дунёқараши чуқур, уз даврининг етук кишиси ва шунингдек, у Маккага хажга ҳам бориб келган эди. У Мингтепа қишлоғи яқинида тупроқли йул ёқасида бир неча қайроғочлар экиб, ўзқдан елкасига сув ташиб келиб суғорди ва йуловчиларнинг хожатини чиқарди.

Аста-секин Мадали эшон ҳақидаги гаплар атроф қишлоқларга ёйилди. Кузғолончиларнинг асосий максоди, рус босқинчиларини батамом ҳайдаб чиқариб, мустақилликка эришиш ва халқни икки ёқлама зулмдан ҳолос қилиш эди.

Кузғолончилар Туркистонда чоризмнинг асосий таянчи ва халқни қуликда ушлаб турган кучлар армия эканлигини яхши билардилар. Шунинг учун Андижон шаҳридаги оқ подшо аскарлари яшайдиган горнизонга хужум қилишга қарор қилинди. Қилич, ханжар, ўроқ ва таёқлар билан қуролланган кузғолончилар тунда хужум бошладилар. Олдинлари бўлганидек, дастлаб кузғолончиларга ён босган катта ер эгалари Ушда, Марғилонда ва бошқа шаҳарларда қутарилиши керак бўлган кузғолонларнинг режасини бузиб, ҳоинлик қилдилар. Бу кузғолон тугрисида ёзган Терентьевнинг гапига қура, кузғолончиларнинг максоди «Оқшом маҳали бир пайтда Марғилон, Уш ва Андижондаги аскарларнинг лагерларига хужум қилиб, бу шаҳарларни эгаллаш ва сунгра Наманганни эгаллаб Қукон хонлигини тиклаш, кейин эса Тошкент ва Самарқандни ҳам эгаллаб, улқадан русларни қувиб чиқариш эди».

Ўроқ ва таёқ билан қуролланган кузғолончилар машқ қурган ва яхши қуролланган чор армиясига бас қелолмади. Кузғолон ниҳоят даражада ваҳшийлик билан бостирилди. Кузғолон бостирилгач, унинг 546 фаол қатнашчилари устидан суд бўлди. Судда, чор маъмурлари кузғолон бошлиғи Мадали эшондан: «Нега халқни кузғолонга қутардинг?» деб сураганларида у, Россия Туркистонни босиб олиганидан сунг бу ерда ахлоқсизлик, фохишабозлик, ҳар хил уйинлар, ароқхурлик кенг авж олиб кетганлиги, умуман шариат қоидалари оёқ ости қилинганлиги, бундай ахлоқсизлик

пайтида Маккага хажга боришни таъкикланиши, халк уртасида маънавий тушкунликни янада авж олиб кетишига сабаб булганлиги, Озод Туркистоннинг озодлиги йук килинганлиги каби сабаблар уни халкни кузголонга кутаришга олиб келганлигини айтди. Мадали эшон ва унинг издошлари устидан суд 1898 йил 11 июнда Андижон шахрида булиб утди ва хукм зудлик билан ижро этилди. Хатто рус тарихчиларининг гувоҳлик беришларича 12 июнда дор тагида турган Мадали эшон ва унинг ёрдамчилари ёвларнинг кузига шунчалик совукконлик билан бокиб, мардонавор турдиларки, улар бир огиз хам авф килишларини сурамай, сиртмокни буйинларига солдилар.

Кузгончиларнинг бир кисми узок Сибирга сургун килиндилар. Кузголонда катнашган кишлокларнинг ахолиси нихоят даражада каттик жазоладилар. Кузголончилар Андижон томонга кайси кишлоклар оркали утган булсалар, шу кишлоклардан то Андижонгача булган масофадаги уйлар I километр энликда ер билан теп-текис килинди. Текисланган ерга эса жанубий рус губернияларидан кучириб келтирилган мужиклар жойлаштирилди. Мингтепа кишлогининг номи «Пожалуйста» (Мархамат) деб узгартирилди.

Фаргона водийсида чоризмга карши кутарилган кузголон шу тарика бостирилди. Лекин Дукчи эшон кузголонни бостирилгани билан бепоён Туркистоннинг хали бу ерида, хали у ерида кузголонлар булиб турди. Демокчимизки, кузголон ном-нишонсиз колмади. Бу кузголон дехконларга, шахар ва кишлокларнинг мехнаткаш оммасига кураш йулини курсатди хамда ун минглаб кишиларнинг подшоҳнинг мустабид хокимиятига карши фаол харакат килишга чорлади. Келаси 1899 йилнинг 20 июнида Фаргона водийсида янги кузголон кутарилиб, маъмурий бинога ут куйилди ва полиция участкасига хужум килинди. Шундай килиб, Туркистон Россия империясининг энг исёнкор улкаларидан бирига айлана борди.

2. XX аср бошларида чор Россияда сиёсий ва иктисодий жихатдан калтис вокеалар содир булди. 1900-1903 йиллардаги иктисодий инкироз Россиянинг бутун хужалигини камраб олди. 1904-1905 йиллардаги рус-япон урушида Россиянинг маглубиятга учраши мамлакат ахволини янада кескинлаштириб юборди.

Бундай холатнинг салбий таъсири Туркистон улкасига хам етиб келди. Урушда курилган талофатнинг урнини коплаш учун мустамлака худудларини аёвсиз талаш авжига чикди. Узбек дехкони ва унинг оиласи очлик, кашшоклик ёкасига келиб колди.

1905 йил 9 январда Петербургда содир булган конли якшанба фожеаси чекка улка ахолисини хам курашга тортди. Уша кезлардаги Россиядаги инкилобий холат Туркистондаги дехконларни хам харакат майдонига ундади ва кишлокда синфий кураш авж олди.

Шундай синфий кураш узининг хакикий кахрамонларини, жасур йулбошчиларини юзага келтирди. Хусусан, Номоз Примкуловдек забардаст халк курашчилари етишиб чикдики, уларнинг номларини амалдорлар, подшолик маъмуриятлари эшитиб колгудек булса, дахшатга тушадиган

булиб колдилар. Мустамлакачилик маъмурияти ва генераллари учун Номоз Примкуловнинг номини эшитиш ута хавфли булиб колди. Халк унга «Номоз ботир» деб ном куйди.

Номоз Примкулов 1904-1905 йиллар давомида Самарканд вилоят кишлоклари, тоғ ва дараларида мустамлакачилар ва уларнинг иттифокчилари булган махаллий бойлар, савдогарларга карши касоскорона кураш олиб борди. У касос киличини биринчи навбатда халкни талаган ва унинг иззат-нафсониятига теккан катта ер эгалари, судхур ва савдогарларга каратди, уларнинг мол-мулкни камбагал дехконларга булиб берди. Мустамлакачиларга нисбатан чексиз нафратга тулиб-тошган Номоз уларга шафкат килмади.

Туркистон генерал-губернатори «Узбек Дубровский» булмиш Номоз Примкуловни тутиб олиш ва жазолаш юзасидан махсус тадбир-чора ишлаб чикиш ва уни амалга ошириш юзасидан фармойиш чикарди. Бу операцияни бажариш учун шахсан Самарканд вилоят харбий губернатори ёрдамчиси полковник Сусанин жавобгар килиб тайинланади. Операция муваффакиятини таъминлаш ишига Бухоро Амири Саид Абдулахатхон ҳам жалб этилади. 1907 йил май ойида губернаторликнинг катта кушини билан булган тенгсиз жангда номозчилар катта талофат курадилар ва Номоз хиёнаткорона улдирилади.

Номознинг улими дехконларнинг мавжуд тартиблар ва мустабид мустамлакачи тузумга карши курашини тухтата олмади ва курашни давом этди.

2. Маълумки, 1914 йилда биринчи жахон уруши бошланди. Иктисодий ва сиёсий жихатдан бакуват булмаган Россия империясининг бу урушга кушилиши шусиз ҳам огир булиб турган ахволни янада огирлаштириб юборди. Бу огирлик Россиянинг мустамлакаларида айникса каттик аксадо берди. Чор амалдорлари курсатмаларидан сунг Туркистондаги барча хосилдор ерларга пахта экилиб, галла эса Оренбургдан ва Шимолий Кавказдан ташиб келина бошланди. 1916 йилга келиб, бу галла ҳам келмай колди. Очлик бошланиб, озик-овкатларнинг нархлари бир неча бор ошиб кетди. Савдогарлар эса бу кулфатдан унумли фойдаланиб колиш йулига утдилар. Оддий халкнинг кун куриши ниҳоятда огирлашиб кетди.

Кимматчилик халкнинг сабр косасини тулдириб юборди. Император Николай II нинг 1916 йилнинг 25 июнида туркистонликларни мардикорликка олиш хакидаги фармони хаммасидан ошиб тушди. 1886 йилги келишувга биноан туркистонлик йигитлар ок подшо армияси сафида хизмат килишдан озод килинган эдилар. Энди эса ок подшо бу келишувни усталик билан айланиб утиб, туркистонликларни фронт оркасидаги огир ишларни бажаришга сафарбар килмокчи булди. Подшонинг фармонига кура, 19 ёшдан 31 ёшгача булган 200 минг киши Россияга жунатилиши керак эди. Халкнинг кахр-газабини босиш учун подшо амалдорлари халкни: «Маркдикорга олинганлар факат уч ойгина хизмат килиб кайтадилар ва шу давр мобайнида уларнинг оилаларига ёрдам курсатилади». - деб алдадилар.

Зудлик билан руйхатлар тузила бошланди. Амалдорлар уртасида порахурлик авж олиб кетди. Бойлар уз болаларини катта пул эвазига мардикорликдан олиб кола бошладилар. Бундай бедодликларни кузи билан куриб турган халк хурликка, адолатсизликка карши кузголда. 1916 йилнинг 4 июлида Хужандда, 5 июлда Маргилонда, 11 июлда Наманганда, Тошкентда ҳамда Тошкент вилоятида халк майдонга чикди. Бундан талвасага тушган подшо Николай II 18 июлда Туркистон улкасида харбий холат эълон килди ва Туркистон харбий округи кушинлари бошлигига, харбий холат даврида бош кумондонлик хукукини берди. Туркистонда мардикорликка карши кутарилган кузголон айникса Жиззахда энг юкори нуктага кутарилди. Жиззах кузголони 13 июлда, яъни мардикорликка олиш хакидаги фармон укиб эшиттирилганлигидан сунг бошланди. Фармондан сунг 10 кун муддат ичида жунатилган йигитлар тупланиши керак эди.

Аммо, муддат утганлигига карамай хеч ким тупланмади. Шундан сунг Жиззах уездининг бошлиги Рукин эски шахар ахолисини мачитга йигиб: «Мен сизларни огохлантириб шуни айтаманки, агарда хукуматга карши чикадиган булсаларинг, мол-мулкларингни ва узларингни ер билан теп-текис киламан» - дея дук урди. 18 июл куни Жиззахнинг эски шахар ахолиси, кулларига дуч келган нарсаларни олиб Норхужа Эшон бошчилигида шахар томон йул олдилар. Уларга йулда рус амалдори Рукин, бош оксокол Йулдошев, пристав ва тилмочлар пешвоз чикдилар. Халк уларни улдирди. Шундан сунг бу ерга зудлик билан етиб келган жазо отряди халкни укка тутди. Кузголон катта алангадек гуриллаб кетди. Бундан ниhoятда вахимага тушган Туркистон генерал-губернатори бу ерга кушимча жазо отряди юборди. Отрядга бошлик килиб тайинланган полковник Ивановга, генерал-губернатор кузголончиларга нисбатан рахм-шафкатсиз булишни ва уларга энг огир жазоларни куллашни ҳамда кузголон кутарган кишлокларни ёппасига ёкиб юборишни тайинлади.

Иванов ҳам хужайинининг буйругини ошиги билан бажарди. Кузголон кутарган Фориш ва Зомин кишлоклари ут ичида колди. Кузголон бостирилгандан сунг, 100 дан зиёд одам тергов килинди. Генерал-губернаторнинг буйруги билан, хар бир улдирилган рус учун катта микдорда хосилдор ерлар товон сифатида махаллий ахолидан тортиб олинди. Кулга туширилган кузголончиларни суд килиш жараёни жуда тезлик билан олиб борилди. Одамларни «айбларига» икрор килдириш учун каттик кийнадилар. 1916 йилги кузголонда катнашган 377 киши улимга махкум килинди. Буларнинг ичида жасур, эркесвар, куликдан кура улимни афзал курган Назирхужа Абдусаломов, Абдурахмон жевачи, Рахмон Жайнок Абдурасулов, Мулла Мухаммад Рахим, Худойберди Юсупов, Туракул Турабеков, Хайдар Хусаинов ва Хайдар Йулдошев каби ёвкур ота-боболаримиз бор эдилар. Бу кузголон, Россия Туркистонни босиб олгандан сунг булиб утган кузголонларнинг энг каттаси ва узок давом этган эди. Уни бостириш учун чор армияси 14 батальон пиёдалар, 42 туп, бир неча минг казакларни ишга солишга мажбур булди. Бу кузголон нафакат рус боскинчиларига, балки уларнинг малайлари, уз Ватанини ва халкининг манфаатларини сотиб,

боскинчиларга итдек хизмат килаётган мингбошиларга, оксоколларга, юзбошиларга ва бошка махаллий ялокхурларга ҳам каратилган эди.

3. XIX асрнинг XX аср бошларида Туркистонда жадиличлик характери вужудга келди. «Жадид» сузи арабча булиб, «янги» деган маънони билдиради.

Жадиличликка биринчи булиб крим-татар халки фарзанди Исмоилбек Гаспиринский (1851-1914) асос солган. Дастлаб бу харакат маърифатчиликдан бошланган булиб, унинг иштирокчилари уз халklarини маърифатли, мустакил ва миллий озод килиш учун курашганлар.

Исмоилбек Гаспиринский мусулмон туркий оламини жахон маърифати илми даражасига кутариш гоёси билан фаолият курсатди. У Россия мустамлакасига айлантирилган барча мусулмон худудлар маорифини мутлако ислох килиш, уларда дунёвий фанларни укитиш масаласини кутариб чикди. Мактаб ва мадрасаларда диний таълимот, араб, форс, рус тилларини урганиш билан бир каторда риёзиёт, кимё, тиббиёт, хикмат, нужум каби фанларини ҳам укитиш зарурлиги гоёсини илгари сурди ва узи шу гоёни амалга оширишга киришди. И.Гаспиринский 1884 йилда уз юртида жадилич мактабига асос солди. Узи дастур тузиб, дарслик ёзди. Ана шу дарслик ёрдамида 40 кун ичида 12 укувчининг саводини чикарди. Бу усул «усули савтин» - харф товуши усули яъни «усули жадилич» номи билан тезда шухрат козонди.

Исмоил Гаспиринский гоёларининг кенг таркалишида узи мухаррирлик килган «Туркистон» газетасининг роли катта булди. 1888 йилда у «Рахбари муаллимин ёки муаллимларга йулдош» номли китобини нашр этди. Бу китобда жадилич мактабларининг тузилиши, дарс утиш ва ташкил килиш мазмуни, жихозланиши, дарс жадвали, таътиллар, имтихонлар, жаъмики укитиш жараёни билан боглич масалалар аник ва кизикарли баён этилган эди.

Мусулмон мактабларини ислох килиш юзасидан ишлаб чикилган лойихани Исмоил Гаспиринский 1892 йилда Туркистон-генерал губернатори Розенбахга юборади, лекин Туркистон хукмдори, бу лойихани мутлако рад килади. Ижобий жавоб ололмаган Исмоил Гаспиринский 1893 йилда Туркистонга узи келади.

Улканинг йирик шаҳарларида булган Гаспиринский тараккийпарвар зиёлилар билан учрашади, уларга жадилич мактабининг мазмун-мохияти ва ахамиятини тушунтириб беради. Хатто Бухоро амири Абдулахад хузурида булиб, уз гоёсини кабул килдиришга уриниб куради, аммо буюк мутаффакирнинг максadini тушунишга амир ожизлик килади. Шундан сунг Исмоил Гаспиринский Самарканд ва Тошкент шаҳарларида булади. Туркистон улкасининг каерида булмасин генерал-губернаторлик амалдорлари уни душманлик кузи билан карши оладилар. Чунки, уларнинг Туркистонда олиб бораётган маориф-маърифий сохадаги сиёсати халкни коронгиликда тутиб туришга каратилган эди.

Исмоил Гаспиринский 1893 йилда иккинчи бор Бухоро амири хузурида булиб, ундан битта жадилич мактаби очилишига рухсат олишга

муваффақ булади. Бу ягона жаҳид мактабининг учкунлари бутун Туркистон буйлаб сочилиб кетди. 1898 йилда Куконда Салоҳиддин домла иккинчи жаҳид мактабига асос солди. Уша йили Тукмоқда, 1899 йилда эса, Андижонда Шамсиддин домла, Тошкентда Маннон кори жаҳид мактабини очдилар.

1903 йилга келиб Туркистон улкасида 102 та бошланғич, 2 та урта жаҳид мактаблари фаолият курсатди.

Бухорода очилган жаҳид мактабининг фаолияти тухтатиб куйилганидан хабар топган Исмоил Гаспиринский 1904 йилда яна Бухорога келиб амир билан музокаралар олиб боради ва амирнинг отаси номи билан аталувчи «Музаффария» жаҳид мактаби очилишига рухсат олди.

XX аср бошларида Туркистон улкасида зиёлиларнинг бутун бир ватанпарвар, миллатпарварлар, маърифатпарварлардан иборат жаҳидлар харакатининг куплаб номоёндалари тарбияланиб вояга етди. Уларнинг бошида Махмудхужа Бехбудий, Садриддин Айний, Мунавваркори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Бобоохун Салимов ва бошка тараккийпарвар фидойи инсонлар турар эдилар.

1998 йилда бир гуруҳ тарихчилар билан булган мулоқот чоғида Узбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Абдуганиевич Каримовнинг маърифат йулида жонбозлик курсатган жаҳидлик харакати номоёндалари тугрисида айтган куйидаги фикрларини кайд этишни уринли деб ҳисоблаймиз:

«XX аср бошидаги маърифатчилик харакати... номоёндалари бойлик учун майдонга чиқишдимиз?»

Махмудхужа Бехбудий, Мунаввар Кори, Фитрат, Таваллолар мактаб очганлари, халқни уз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даъват этганлари учун биров маош тулаганми? Биров уларга ойлик берганми? Албатти, йук! Улар ут билан уйнашаётганларини, истибдодга қарши қурашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Била туриб, онгли равишда мана шу йулдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга даъват этган» (И.А.Каримов Тарихий хотирасиз келажак йук. Т., 1998, 8-бет).

Туркистон жаҳидлари юрт озодлиги учун узларининг қураш дастурларида асосан учта муҳим вазифани куйдилар: биринчиси - янги усул мактабилари тармоғини кенгайтириш; иккинчиси - умидли ёшларни чет элларга уқишга юбориш; ва ниҳоят, учинчиси - турли маърифий жамятлар тузиш ҳамда зиёлиларнинг қучли фирқасини ташкил этишга қаратилган газеталар чоп этиш. Ана шу дастурни амалга ошириш борасида Мунаввар Кори Абдурашидхонов, Убайдуллахужа Асадуллахужаев, Махмудхужа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Тошпулатбек Норбутабеков, Хамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулхамид Чулпон ва Абдурауф Фитрат каби зиёлилар жонбозлик курсатдилар.

Жаҳидчилик харакатининг фаол иштирокчиларидан бири Мунаввар Кори Абдурашидхонов 1909 йилда Тошкентда «Жамяти хайрия» ташкилотини тузади ва бу жамят узбек зиёли болаларини чет элларга бориб

укиб келишини ташкил қилиш билан шугулланади. Жамият ишига Тошкентлик машхур бойлар катта хисса қушдилар.

Россияда адлия буйича таълим олиб, биринчи олий маълумотли узбек адвокати дипломини олган Убайдуллахужа Асадуллахужаев уз юртига қайтиб уз халқи озодлиги учун курашишга бел боғлади. Шу йулда у ташкилот тузишга киришади. Натижада жаҳидларнинг тарқок гуруҳлари аста-секин маълум дастур ва ҳаракат йуналишига эга бўлган Убайдуллахужа атрофида уюшиб, узбек зиёлиларининг мустиқил фирқасини тузишади. Бу фирқа «Тараккийпарварлар» номи билан тарихга кирди.

Убайдуллахужа уз фаолиятини умум-Туркистон ижтимоий-сиёсий газетасини ташкил қилишдан бошлади. Бундай газета қуп уринишлардан сунг, 1914 йилдан чиқа бошлаган «Тараккийпарварлар» фирқасининг «Садои Туркистон» газетаси бўлди. Бу газета улқада миллий онғни уйғотишда, маълум оммани истиқлол учун мустиқил тузумга қарши курашга қорлаш боғида катта хизмат қурсатди. Газета саҳифаларида Туркистон жаҳидларининг отахони Маҳмудхужа Бехбудий, айниқса, фаол қатнашди.

Маҳмудхужа Бехбудийнинг бутун онғи ҳаёт йули қор Россияси мустиқлақчилик зулми шароитида қечди. У она халқининг оғир қисматини мустиқлақчи шовинистларнинг зуравонлик, қамситувчилик ва таҳқирлашдан иборат сиёсатини уз қузи билан қурди. Халқ, миллатнинг асл фарзанди сифатида мустиқлақчиликдан қандай йул ва усул билан озод бўлиш мүмкин, деган жумбоққа жағоб топишга бутун қалби-вужуди билан киришди.

Маҳмудхужа Бехбудий Туркистон улқаси халқларининг қор Россияси мустиқлақчилиги зулми асоратида тушганлиги, уз эрки, инсоний ҳуқуқларидан батамом маҳрум этилиб, занжирбанд қолда яшаётганлиги, қуллик ва тутқунликдан озод бўлиш йулини топаолмаётганлигининг асосий ва бош сабабини маърифатсизликдан, қодонлик ва саводсизликдан, деб билди. Шунинг учун ҳам халқнинг оғирини енгил қилиш мақсадида янғи усулдағи мақтаблар очиб, уларда миллатнинг фарзандларига илм-маърифат ҳади этишга узининг асосий диққат-этиборини қаратди. У фақат мақтаблар очиб билан чекланиб қолмади, балқи шу мақтаблар учун қамонавий руҳда ёзилган дарслиқлар ҳам яратди. Булар орасида «Рисолаи асбоби савод», «Мунтахаби жуғрофияи умроний» («Қискача умумий география»), «Мадҳали жуғрофияи умроний» («Ақоли географиясига қириш»), «Қитоб ул атқол» («Болалар учун қитоб»), «Мухтасари тарихи ислом» («Исломнинг қискача тарихи»), «Хисоб» қаби қитоблар бор. У маҳсус нашриёт ташкил қилиб уз ёзган дарслиқлар, қулланмалар ва ҳариталарни босиб чиқарган. Булар янғи усулдағи илқ узбек мақтаблари учун тузилган дарслиқ ва қулланмалар сифатидағина эмас, балқи тил-ёзув маданиятимиз таракқиёти нуқтаи назаридан ҳам мүҳим ақамиятга эгадир.

Жаҳидларнинг Туркистондағи йирик вақиллардан бири Абдурауф Фитратдир. Фитрат адабиётимиз тарихида йирик олим, шоир, ёзувчи, драматург, файласуфғина бўлиб қолмасдан, маърифатпарвар адиб сифатида

янги усулдаги мактабларни очиш ва бу мактабларнинг мохияти ҳамда ахамиятини тушунтириш юзасидан катта ишларни олиб борди.

Жадидларнинг уз фаолиятлари давомида кун тартибига куйган масалаларни орадан сал кам бир аср утгандан кейин, Ўзбекистоннинг мустакилликка эришгач, амалга оширила бошланди. Таълим-тарбия, илм-фан, техника соҳасида ибратли булган Европа, Америка, Туркия, Япония, бошқа Шарк ва Гарб мамлакатларидан урнак олиш, ёшларни уша мамлакатларга юбориб уқитиш чора-тадбирлари амалга оширилаётганлиги бунга ёрқин далил ҳисобланади.

Адабиётлар:

- ◆ *И.А.Каримов. Истиклол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994.*
- ◆ *А.Алиев. Махмудхужа Бехбудий. Т., «Ёзувчи», 1994.*
- ◆ *Х.Зиёев. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши қураш. Т., «Шарк», 1998.*
- ◆ *Ш.Каримов. Кафасдаги қуш орзуси. Т., «Фан», 1991.*
- ◆ *Ш.Каримов, Р.Шамсутдинов. Туркистон Русия босқини даврида. Андижон, «Мерос», 1995.*
- ◆ *Ўзбекистоннинг янги тарихи (тузувчилар: Х.Содиқов, Р.Шамсутдинов ва бошқ.) Биринчи китоб. Т., «Шарк», 2000.*
- ◆ *Фозилбек Отабек угли. Дукчи эшон фожиаси. Т., «Чулпон», 1992.*
- ◆ *Б.Косимов. Исмоилбек Гаспирали. Т., 1992.*